

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

*“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларининг  
йиллик умумий йиғилиши  
2021 йил 29 июндаги қарори билан*

*“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларининг  
2021 йил 29 июндаги йиллик умумий  
йиғилиши баённомасига 11-илова*

**“ЎЗТРАНСГАЗ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИСИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НИЗОМ**

**Тошкент-2021**

## **МУНДАРИЖА:**

1. Умумий қоидалар;
2. Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш тартиби;
3. Корпоратив маслаҳатчининг ваколатлари ва мажбуриятлари;
4. Корпоратив маслаҳатчининг иш тартиби;
5. Корпоратив маслаҳатчининг жавобгарлиги;
6. Корпоратив маслаҳатчини мукофотлаш;
7. Яқуний қоидалар.

### **1. Умумий қоидалар**

1.1. Ушбу Низом “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – Жамият) корпоратив маслаҳатчисининг мақомини ва фаолиятини тартибга солади, тайинлаш тартиби, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб беради.

1.2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни, Жамият Устави ва унинг ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Корпоратив маслаҳатчи Жамият кузатув кенгашига ҳисобдор саналади ва Жамият фаолиятида корпоратив қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш учун жавобгардир.

### **2. Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш тартиби**

2.1. Корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан тайинланади.

2.2. Корпоратив маслаҳатчи номзодини кўриб чиқишда ва тасдиқлашда кузатув кенгаши оддий кўпчилик овоз билан қарор қабул қилади.

2.3. Корпоратив маслаҳатчи лавозимига юридик ёки иқтисодий олий маълумотга эга, корпоратив бошқарув ва корпоратив ҳуқуқ соҳасида камида 3 йиллик тажрибага ҳамда амалий билимга эга бўлган шахс тайинланади. Корпоратив маслаҳатчи лавозимига номзод Жамият кузатув кенгашини ўзининг жиноий, маъмурий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортилганига оид далиллар тўғрисида хабардор қилиши шарт.

2.4. Корпоратив маслаҳатчиликка номзод ўз номзоди кўриб чиқиладиганда кузатув кенгашининг мажлисида қатнашиши мумкин.

2.5. Номзод кузатув кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг, корпоратив маслаҳатчи билан мажбуриятларни бажариш учун меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишуви тузилади. Корпоратив маслаҳатчи билан меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишуви бир йил муддатга тузилади. Ҳар йили қарор билан уни узайтириш ёки бекор қилиш мумкин. Жамият номидан шартномани кузатув кенгаши раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди.

2.6. Жамият Уставини, шунингдек, меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишуви шартларини бузганлиги учун корпоратив маслаҳатчи бир вақтнинг ўзида меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишувини бекор қилиш билан ўз лавозимидан четлатилиши мумкин. Корпоратив маслаҳатчини ишдан бўшатиш ва у билан тузилган меҳнат шартномасини ёки меҳнат келишувини бекор қилиш тўғрисида қарор кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Корпоратив маслаҳатчини лавозимдан четлатиш тўғрисида асосли таклиф Жамият ижроия органи аъзоларидан бири томонидан киритилиши мумкин.

### **3. Корпоратив маслаҳатчининг ваколатлари ва вазифалари**

3.1. Корпоратив маслаҳатчи ушбу Низом, у билан тузилган меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишуви шартлари, Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши қарорлари белгилаб берган ваколатлар доирасида фаолият юритади.

3.2. Корпоратив маслаҳатчининг асосий вазифаси Жамиятда корпоратив қонунчиликка риоя этилишини назорат қилишдан иборат. Ўзининг асосий вазифаси доирасида корпоратив маслаҳатчи қуйидагиларни бажаради:

– Жамиятдаги корпоратив стандартлар ва корпоратив ҳужжат айланмаси намуналарини ўрганади;

– Жамиятнинг корпоратив стандартлари ва бошқа ҳужжатларининг амалдаги қонунчиликка номувофиқларини аниқлайди ва уларни бартараф этиш бўйича Кузатув кенгашига таклифлар киритади;

– корпоратив бошқарув ва назорат органлари, шунингдек Жамиятнинг етакчи мансабдор шахслари фаолиятининг корпоратив стандартлар ва ижро интизоми талабларига мувофиқлигини назорат қилади;

– Жамиятда аффилиланган шахслар тўғрисидаги маълумотлар ҳисоби юритилишини ва аффилиланган шахслар билан қонунчиликда белгиланган тартибда битимлар тузилишини мониторинг қилади;

– корпоратив бошқарув масалалари бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш учун қабул қилади ва улар бўйича тавсиялар беради ёки уларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

– корпоратив ҳужжатлар айланишини ташкил этишда методологик ёрдам беради;

– корпоратив бошқарув ва назорат органлари аъзолари, шунингдек акциядорлар ёки уларнинг вакилларининг илтимосига кўра корпоратив қонунчилик ва корпоратив бошқарувнинг энг яхши амалиётларини жорий қилиш бўйича маслаҳатлашувлар ўтказди, корпоратив низоларни тартибга солиш жараёнида қатнашади;

– корпоратив бошқарув тамойилларини татбиқ этиш бўйича таклифларни тайёрлайди ва Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этади;

– кузатув кенгашига корпоратив қонунчиликка риоя этиш ҳолати бўйича ҳисобот беради ва корпоратив маслаҳатчи хулосасини тақдим этади;

– кузатув кенгашининг алоҳида буйруқлари бўйича маслаҳат ишларини бажаради;

– Жамият Кузатув кенгаши ва умумий акциядорлар йиғилишларини ташкил қилишда, шунингдек баённомаларни расмийлаштиришда методологик ёрдам беради.

3.3. Жамиятнинг корпоратив бошқарув ва назорат органлари корпоратив маслаҳатчини Жамиятдаги корпоратив ходисаларга алоқадор барча ҳужжатларнинг нусхалари билан таъминлаши шарт. Ушбу ҳужжатлар куйидагиларни ўз ичига олади:

– Жамият Устави ва низомлари, Жамият бошқарув бўғинининг лавозим йўриқномалари, Жамиятнинг қимматли қоғозларини чиқариш проспектлари;

– Жамият кузатув кенгаши, акциядорлар умумий йиғилиши ва ҳисоб комиссияси йиғилишларининг баённомалари;

– Жамиятнинг корпоратив бошқарув ва назорат органлари томонидан бажариладиган ишлар режалари ва улар бўйича ҳисоботлар;

– Жамиятнинг бизнес-режаси;

– Жамиятнинг тафтиш комиссияси, ички аудиторлик хизмати ва аудиторлик ташкилотининг хулосалари;

– аффилиланган шахслар, йирик битимлар ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра манфаатдор шахслар деб тан олинган шахслар билан битимлар тўғрисида маълумотлар;

– корпоратив бошқарув ва назорат органлари қарорларининг ташувчиси бўлган бошқа ҳужжатлар, шунингдек ушбу қарорларнинг объекти бўлган ҳужжатлар.

Ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг корпоратив ходисалар ва ўзаро муносабатлар билан боғлиқ ҳар қандай бошқа ҳужжатларидан, хусусан, Жамият акциядорлари реестридан, Жамиятнинг ички ва ташқи ёзишмаларидан, шу жумладан Жамиятнинг акциядорлари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ёзма мурожаатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

3.4. Корпоратив маслаҳатчи ўзи олган ҳужжатлар нусхаларининг сақланганлиги учун жавобгардир. Корпоратив маслаҳатчи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишуви бекор қилинганда, у ишониб топширилган ҳужжатларни рўйхат бўйича топшириши шарт.

3.5. Кузатув кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган режага мувофиқ корпоратив маслаҳатчи ҳар чорақда Жамиятда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрган ҳолда, ўтказилган текширишлар натижалари тўғрисида Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

3.6. Ўтказилган текширишлар натижалари бўйича корпоратив маслаҳатчи Жамиятдаги корпоратив қонунчиликка риоя қилиш ҳолати тўғрисида хулоса тайёрлайди, унга қуйидагилар киритилади:

- Жамиятнинг корпоратив стандартлари ва бошқа ҳужжатларининг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги таҳлили, агар аниқланган бўлса, камчиликлар тавсифи, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича таклифлар;

- корпоратив бошқарув ва назорат органлари, шунингдек Жамиятнинг етакчи мансабдор шахслари фаолиятининг Жамиятдаги амалдаги корпоратив бошқарув стандартларига мувофиқлиги таҳлили;

- Жамиятда аффилиланган шахслар ва улар билан битимлар тузишнинг қонунчиликда белгиланган тартиби тўғрисидаги маълумотларни қайд қилиш таҳлили;

- Жамият томонидан Кузатув кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши топшириқларини, шунингдек Жамиятнинг ривожланиш режаларида назарда тутилган вазифаларнинг бажарилиши таҳлили;

Заруратга кўра, корпоратив маслаҳатчи хулосага корпоратив бошқарувнинг замонавийроқ тамойилларини жорий қилиш бўйича таклиф ва тавсияларни киритади.

3.7. Корпоратив маслаҳатчининг меҳнат шaroитлари ва моддий рағбатлантириш келишиб олинади ва ишга ёллаш шартномаси ёки меҳнат келишувига мувофиқ амалга оширилади.

#### **4. Корпоратив маслаҳатчининг иш тартиби**

4.1. Корпоратив маслаҳатчи ўз вазифаларини доимий асосда ҳам, ўриндошлик асосида ҳам (вақтбай иш ҳақи тўланган ҳолда) амалга оширади.

4.2. Кузатув кенгаши бир марталик тартибда корпоратив маслаҳатчига буйруқлар бериши мумкин. Бундай топшириқларнинг тури корпоратив маслаҳатчи билан тузилган меҳнат шартномасида ёки меҳнат келишувида кўзда тутилиши керак.

4.3. Корпоратив маслаҳатчи корпоратив бошқарув ва назорат органларининг барча режалаштирилган учрашувлари тўғрисида хабардор

қилинади. Корпоратив маслаҳатчи корпоратив бошқарув ва назорат органларининг барча йиғилишларида маслаҳат овози билан қатнашиш ҳуқуқига эга.

## **5. Корпоратив маслаҳатчининг жавобгарлиги**

5.1. Корпоратив маслаҳатчи хизмат мавқеи юзасидан ўзига берилган ҳуқуқлардан у билан меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадлари ва манфаатлари учун фойдаланмаслиги лозим.

5.2. Корпоратив маслаҳатчиси лавозим мажбуриятларини амалга оширишда шахсий фойда олиш учун ҳеч қандай ҳаракатларга йўл қўймаслиги лозим.

5.3. Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарар учун Жамият олдида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва Жамият Уставига мувофиқ жавоб беради.

5.4. Корпоратив маслаҳатчи аудиторлик текшируви пайтида аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш ва Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича берган таклифлар учун жавобгар саналади.

## **6. Корпоратив маслаҳатчини мукофотлаш**

6.1. Корпоратив маслаҳатчи хизмат мажбуриятларини бажариш бўйича фаолияти учун ойлик иш ҳақи ва мукофот пули олиш ҳуқуқига эга.

6.2. Иш ҳақи ва мукофотлар миқдори кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ белгиланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари Жамиятнинг йиллик бизнес-режасининг смета-харажатлар қисмига киритилади.

6.3. Иш ҳақи миқдори қуйидаги ҳолларда ўзгариши мумкин:

– корпоратив маслаҳатчи билан янги давр учун меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишуви қайта тузилганда;

– Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори ўзгарганда;

– аввалги меҳнат шартномасида ёки меҳнат келишувида назарда тутилмаган функционал мажбуриятларнинг кенгайиши муносабати билан корпоратив маслаҳатчининг меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишувига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганда.

6.4. Корпоратив маслаҳатчи кузатув кенгаши томонидан ҳар чораклик ҳулосаси кўриб чиқилганидан сўнг ўз вазифаларини бажарганлиги учун иш ҳақи олади.

## **7. Яқуний қоидалар**

7.1. Мазкур Низомга Жамият кузатув кенгашининг қарори билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мумкин.

7.2. Ушбу Низомнинг амал қилиш муддати чекланмаган.